

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентига
аъзоларни сайлаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Халқ демократик партиясини (бундан буён матнда Партия деб юритилади)дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоларини сайлаш тартиби (бундан буён матнда Сайлов деб юритилади)ни белгилайди.

2. Сайлов партиясининг Устави, Дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти тўғрисидаги Низом, партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг сайлов ўтказиш тўғрисидаги қарори асосида ташкил этилади.

II. Сайловдан кўзланган мақсад

3. Сайлов ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимлари, онги ва маданиятини юксалтириш, уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларда парламент фаолиятига дахлдорлик туйғусини шакллантириш, ёшларда эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, уларнинг фаол фуқаролик позициясини янада мустаҳкамлаш, парламентда Партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш, ёшларни мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларга кенг жалб этиш мақсадида ташкил этилади.

III. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

4. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш партия Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар кенгашлари раислари зиммасига юклатилади. Улар сайловнинг ташкилий масалаларига оид ҳужжатларни, ташкилий қўмита аъзоларини тасдиқлайди.

5. Сайлов икки ярим йилда 1 мартаба 3 босқичда ўтказилади:

1-босқич: тегишли округдаги туман ва шаҳарларда саралаш босқичи (**23 январь - 6 февраль оралиғида**);

2-босқич: партиясининг Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларидаги босқичи (**6 – 15 февраль оралиғида**);

3-босқич: якуний (республика) босқичи (**15 – 22 февраль оралиғида**).

IV. Ташкилий қўмита ва Штаб фаолиятини ташкил этиш

6. Сайлов жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича уч босқичда Ташкилий қўмита тuzилади:

Туман (шаҳар) партия ташкилоти Ташкилий кўмитаси;
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгаши
Ташкилий кўмитаси;
Марказий Кенгаш Ташкилий кўмитаси.

7. Туман (шаҳар) ҳамда минтақавий партия кенгашларининг Ташкилий кўмитаси ушбу босқичдаги саралаш жараёнида энг фаол номзодларни Марказий Кенгаш Ташкилий кўмитасига тақдим этади. Марказий Кенгаш Ташкилий кўмитаси ушбу Низом бўйича номзодларни кўриб чиқиб якуний қарор қабул қилади.

8. Марказий Кенгаш, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар кенгашларида сайловга тайёргарлик кўриш ва фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича штаблар тузилади.

9. Штаблар сайловга тайёргарлик кўради, сайлов ўтишига ташкилий ёрдам кўрсатади ва фаолиятни мувофиқлаштириб, тезкор маълумотларни Ташкилий кўмитага тақдим этиб боради.

V. Сайловда қатнашиш талаблари

10. Сайловда саралаш босқичига ҳужжат топширилган куни ўн саккиз ёшга тўлган, лекин ўттиз ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ёшлар парламентида номзод сифатида кўрсатилади.

11. Ёшлар парламентида номзодини кўрсатиш учун партиянинг туман ва шаҳар кенгаши Ташкилий кўмитасига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

номзод тўғрисидаги маълумотларни ўзида ифода этган ҳужжатлар (анкета, шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва 3x4 ҳажмдаги сифатли расм);
партия аъзолик гувоҳномаси нусхаси;

номзоднинг турли соҳаларда эришган ютуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (давлат мукофотлари, сертификат, диплом, фахрий ёрлик ва бошқалар);

оммавий ахборот воситаларидаги фаоллигини тасдиқловчи материаллар (босма нашрларда чоп этилган мақолалар нусхаси, теле ва радиоканаллардаги чиқишлар аудио ва видео нусхалари);

номзоднинг партия дастурий мақсад ва вазифаларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишга қаратилган таклифлари ифода этилган лойиҳа;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар орасида кенг тарғиб этиш борасидаги ишларини тасдиқловчи ҳужжатлар (илмий ва илмий-оммабоп мақолалари, тарғибот расмлари);

номзоднинг ёшларга оид давлат сиёсатида доир қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган сайловолди дастури (тақдимот кўринишида).

Сайловга тақдим этилаётган ҳужжатларни ўзбек ва рус тилларида тақдим қилиш мумкин.

12. Қуйидагилар сайловда номзод сифатида рўйхатга олинмайди:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати, Сенат аъзоси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари;

партияга аъзо бўлмаган ёшлар;
муомалага лаёқатли бўлмаган ёшлар;
содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган ёшлар.

13. Биринчи босқичда туман ва шаҳар кенгаши Ташкилий қўмитаси номзодларнинг Ушбу Низомнинг 10-12 бандларига мувофиқлиги жиҳатларига эътибор қаратади.

Бунда хотин-қизларнинг сони аъзоликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши керак.

14. Иккинчи босқичда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари Ташкилий қўмитаси номзодларнинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратади:

қонунчилик соҳасидаги билим ва тажрибаси;
қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асослантирилган таклифлар;
партиянинг фаолиятидаги фаоллик даражаси;
партиянинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, шунингдек партиянинг Устави, Дастури ва Сайловолди дастурини билиш даражаси;

давлат бошқарувига оид билим ва тасаввурлари;
жамиятимизда амалга оширилаётган сўнгги ислохотлар ҳақидаги қарашлари;

оммавий ахборот воситаларидаги фаоллиги, ўзининг ортидан ёшларнинг эргаштириш салоҳияти;

ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг қай даражада юксаклиги.

15. Сайловга тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар қайтарилмайди.

16. Учинчи босқичда партиянинг Марказий Кенгаши Ташкилий қўмитаси томонидан тавсия этилган номзодлар ўртасида сайловолди дастури юзасидан тақдимот ўтказилади.

Унда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

номзоднинг сайловолди дастурида ёшларга оид муаммолар ва таклиф этилаётган ечим йўллари;

ёшларга оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича берган таклифлари;

номзоднинг нотиқлик маданияти, лойиҳа мазмунини тингловчиларга етказиши;

билимли ва ҳозиржавоблиги.

17. Марказий Кенгаш Ташкилий қўмитасининг қарорига биноан партиянинг фаолиятида фаоллик кўрсатган, унинг имиджини кенг жамоатчилик, хусусан, ёшлар орасида тарғиб қилиб, намунали хулқи билан бошқа тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётган ёшларга устунлик тақдим этилиши мумкин.

18. Тақдимот натижаларига кўра, партия Марказий Кенгаши Ташкилий Қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловда эгаллаган ўрнига мос равишда муносиб номзодларни яширин овоз бериш йўли орқали (маъмурий-худудий бирлик асосида) сайлайди.

VI. Низомнинг кучга кириши

19. Мазкур Низом Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори қабул қилинган кундан кучга киради.

VII. Яқуний қоидалар

20. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий ишлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан амалга оширилади.